




Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 6 май куни Бухоро шахрига ташриф буюрдилар.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Амалга оширилаётган ислотлар тамойилларида бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлигини ҳисобга олсак, бугун давлатнинг аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилган вазифаларини ҳал этишда, уларга хизматлар кўрсатиш, нафақа ва моддий ёрдамларни белгилаш, ишсиз шахсларни иш билан таъмин-

нинг энг муҳим шартларида бири бўлиб, бу фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳаётга дахлдорлик ҳисси ортishiда алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати натижасида жойларда ислотлар, Давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчилик кенг хабардор этилиб, аҳоли манфаатларини

лияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга доир талаблар асосида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини қайд этдилар.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

лашдаги вазифаларида маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, кам даромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, қариялар, етим ва қаровчиси йўқ болаларга маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойилига амал қилинади. Бу ҳол аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, бугун аҳолининг бандлик даражасини ошириш, оилаларнинг ўз даромад манбаларига эга бўлишларига эришиш, бунда яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни,

хўнарамдочликни кенг йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш каби дастурларни амалга оширишда ҳамда қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ҳам маҳаллалар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган.

Қонунчилигимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши меъёрлари ҳам белгилаб қўйилган.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамиятини барпо этиш-

ҳимоялашда маҳаллий давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги таъминланди.

Мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислотларимиз бугунги кунда янгича мазмун билан бойитилди. Юртбошимиз томонидан концептуал аҳамиятга эга бўлган янгича йўналиш ва долзарб вазифалар кўлами белгилаб берилди.

Концепцияда давлатимиз раҳбари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга доир асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилар.

Жумладан, Президентимиз маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ёқин муносабатларини таъминлаш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда унинг давлат бошқарув органлари фао-

тизимини янада такомиллаштириш, оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритиш ҳам тақлиф этилди.

Концепцияда белгиланган ушбу вазифалар, албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ташкилий асосларининг янада такомиллашувига ва ҳуқуқий механизмларнинг мустаҳкамланишига замин яратиб, пировардида улар ваколатлари ижроси самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда Концепцияда илгари сурилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги каби қонунлар қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Концепцияда белгилаб бе-

рилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан айни пайтда республика “Маҳалла” жамғармаси бошқарувида ҳамкор ташкилотлар мутахассислари, маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, Концепцияда қайд этилган қонунлар ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид низоом ва қўлланмаларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрланмоқда.

Умуман, Конституциямизнинг 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органи деб қайд этилган маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг долзарб йўналишлар бўйича ислот қилиниш уларнинг ўз ваколатлари ижросини таъминлашдаги, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг бажарилишидаги роли ва масъулиятини янада юксалтириши, шубҳасиз.

Бинобарин, Президентимизнинг “Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим.

Бу масалада фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-усулларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади”, деб алоҳида таъкидланган беҳиз эмас.

Албатта, маҳаллалар фаолиятининг давлат томонидан қамраб олинган ислотларни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жамоатчилик назоратининг янада кучайишига хизмат қилади.

А. АҲМЕДОВ,
республика
«Маҳалла» жамғармаси
бошқаруви раиси.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЙВЙ ҲУҚУҚ ВА ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда алоҳида таъкидландики, сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳамда унинг аҳамиятини бугунги кунда парламентаризмнинг тараққиётдан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш сиёсий партиянинг қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини, шунингдек, ўз электорати манфаатлари ҳамда сайловолди дастурларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш зарурлигини инobatга олган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи дастурий вазифаларини рўёбга чиқаришининг энг таъсир-

Семинар ишида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий ва ўқув муассасалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда “Chinor ENK” экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида нашр этилган янги экологик нашрлар ва лойиҳаларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Унда барқарор экологик таълим йўналиши доирасида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг янги нашрдаги икки жилди, “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари” ҳамда “Ўзбекистоннинг кўриқхоналари ва табиат боғлари” маълумотномалари жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди.

Тақдимотда сўзга чиққан эколог-олимларнинг айтишича, мамлакатимизда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш, йўқолиб бораётган турларни асраб қолиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бунинг нати-

жасида “Қизил китоб”га киритилган айрим ўсимлик намуналари кўпайтирилиб, йўқолиб бораётган турлар рўйхатидан чиқарилди. Корольков заъфарони, ноқсимон нормуш, Суворов пиёзи, Анзур пиёзи ана шулар жумласидан.

Тақдимот

натижасида “Қизил китоб”га киритилган айрим ўсимлик намуналари кўпайтирилиб, йўқолиб бораётган турлар рўйхатидан чиқарилди. Корольков заъфарони, ноқсимон нормуш, Суворов пиёзи, Анзур пиёзи ана шулар жумласидан.

Шу билан бирга, аҳолининг табиатга ҳўжасизларча муносабатда бўлиши оқибатида ўсимликларнинг 6, замбуруғларнинг 5 тури камбўлашиб кетгани ташвишланарлидир. “Қизил китоб”нинг иккинчи жилдига эса ҳайвонот оламининг 180 дан зиёд тури киритилгани ҳам бефарқ қолдирмайди, кишини.

Анжуаманда ОАВ ходимлари ўртасида “Агро-роф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт” мавзuidaги энг яхши журналистик иш учун” республика кўриктанлови эълон қилинди.

Р. САИДОВ.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуслари билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши истиқлол бизга ато этган бекёйс тухфа бўлди. Хотира ва қадрлаш кунидек сана дунёдаги биронта давлатга қуятилмаган. Жаҳон маънавий тамаддунига ўзининг юксак ҳиссасини қўшган, улуг аждодларнинг муқаддас ишлари давом эттирилаётган юртимизда бугун инсонийлик ҳам қадрланмоқда, эъзозланмоқда.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Мана, ўн иккинчи йилдирки, ушбу сана мамлакатимизнинг барча жойларида, жумладан, Хоразм вилоятида ҳам кўтаринчи руҳда ўтказиб келинади. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм воҳасидан 67300 нафар киши Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган бўлса, улардан 21531 нафари юртга қайтган. Ҳозир вилоятда 499 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Эл-юрт ардоғида бўлган фахрийларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, шубҳасиз, уларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, фахрийларнинг ҳолидан доимий хабар олиб туриш учун ташкил этилган “Мадад” ҳамда “Ғамхўрлик” гуруҳлари фаолияти ибратлидир.

Шу кунларда вилоятда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан кўплаб маданий-матрифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув масканларида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан қизқарли суҳбату мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилаёпти. Бундай тадбирлар ёшларимизни Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишга ундаши, шубҳасиз. Айниқса, ви-

лоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган турли спорт мусобақалари, югуриш марафони ўзига ҳос спорт байрамига айланиб кетди. Шунингдек, байрам баҳона вилоят, шаҳар, туман марказлари, қишлоқларда, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш амаллари бажарилди.

Зотан, биз бугунги дориламон кунларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Бу кунларга етишганимизга қадар аждодларимиз не-не заҳматларни чекмаган, даҳшатли жангтоҳларда жасорат кўрсатмаган, дейсиз. Турмушнинг оғир синовларини енгиб, эртанинг ёруғ умиди билан яшаган ота-боболаримиз бугунги кунларга етиб келишимизга, юксаликка чиқишимизга пиллапош бўлиб, елкаларини тутиб беришди. Уларнинг хотирасини абадий сақлаш, фидойилик кўрсатган инсонлар хотираси олдида бош эгиш, тирикларни қадрлаш ва эъзозлаш бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Зеро, инсон муқаддас, хотира абадийдир.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Хоразм вилояти
бўлими раиси.

Истиқлолга эришганимизда, энг аввало, нуроний отахонлару кайвони онахонлар кўзларига ёш олиб, шукрона билан кўлларини дуога очган бўлсалар, шубҳасиз. Негаки, ёшликларидан не-не азоб-уқубатларни бошидан кечирган, очарчилик ва уруш машаққатларини сабот билан енгиб ўтган ана шу инсонлар Истиқлол қадрини, унинг бебаҳо неъмат эканлигини бошқаларга нисбатан теранроқ ҳис этадилар, англайдилар.

— Мана, дориламон кунларга етдик, — дейди паркентлик уруш қатнашчиси, 87 ёшли Тожибой ота Қўлматов. — Бунинг учун Юртбошимиздан мингданмиг миннатдормиз. Эскиларда “Сарбони доно эл буюк бўлади”, деган гап бор. Бу бежизга эмас. Халқимиз бошида ана шундай раҳбар турган экан, биз ҳеч

қачон кам бўлмаймиз. Бугунги ўзгаришлар, янгиланишларга қараб кўз тўймайди. Халқимизнинг

насибаси бут, кайфияти кўтаринки, руҳи баянд. Биз, кексаларга берилаётган эътиборни айтмайсиз-



(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган, жуда кўп отахону онахонлар билан суҳбатда бўлди, уларнинг миннатдорлик мазмунидagi дил сўзларини эшитдик.

— Истиқлолга етишганимиз, асрларга татигулий йигирма йил ичидa юртимизнинг таниб бўлмаас даражада гўзаллашганини кўрганимизнинг ўзи катта бахт, — дейди пойтaхтимизнинг Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилувчи уруш фахрийси Иброҳим ота Исомитдинов. — Бунинг учун бебад шукр деймиз. Ҳаётимиз тинч, дастурхонимиз бут, одамларимиз эзгу амаллар билан банд. Бундай кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Юртбошимизга минг раҳмат, биз, кексаларга доимо ғамхўр-

«ХАЛҚИМИЗНИНГ МЕҲРИ ЎЗГАЧА»

лик кўрсатадилар, қандай шароит зарур бўлса яратиб берадилар. Яқинларимиз, дўсту биродарларимиз, маҳалла-қўй доимо ҳолимиздан хабардор. “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари вакиллари тез-тез йўқлаб келишadi, “Қамолот”га ўғил-қизларини айтмайсизми? Хонданимизга “Ассалоуму алайкум отахон, суҳбатингизни соғиниб қолдик”, деб кириб келганларида бир қувонаман, бир қувонаман. Ёшimgа ёш қўшилгандай ҳис қиламан ўзимни. Меҳр туйғуси барибир бошқача-да.

Мен жуда кўп йиллар таълим соҳасида ишладим, меҳнат фаолиятим давомида Тошкент ахборот технологиялари университетида ёшларга сабоқ бердим. Ҳозир ҳам университетга тақлиф этиб туришadi. Юз-қўзи қақнаб турган

йигит-қизлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ахлига, фикрлашибга қойил қоламан. Ҳавасим келади. Шундай қобил фарзандларни тарбиялаётган мустақилликдан айланай дейман.

Бу йил 89 ёшга кирдим. Умримдан мингдан-минг розиман. 8 нафар фарзанд тарбияладим, ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли, ишли бўлишди. 17 нафар неваро, 10 нафар чеваранинг бобосиман. Улар шундай улуг замонада вояга етаётганидан жудаям қувонаман. Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга оид қабул қилган наватбадга Фармонини эшитиб, жудаям хурсанд бўлдим. Барака топсинлар, узoқ умр кўрсинлар...

Шу кунларда жойларда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган

турли учрашувлар, маърифий-бадий кечалар ўтказилмоқда. Пойтахтимиздаги Хотира майдонида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбиilar, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Инсон ҳаётида тинчликнинг, осойишталикнинг ўрни қанчалик муҳим эканини мен ўзи ҳаётим соҳида кўрдим, — дейди Олмасор туманида яшовчи уруш фахрийси Аминжон Алимов. — Ниятларингиз, орзу-умидларингиз фақат тинчлик-ҳотиржамлик ҳукмрон бўлган жойдагина амалга ошаркан. Мустақиллик шарофати билан юртимиз

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Замин неъматлари — экспортга

НАМАНГАН. Қуруқ мева

ҳамда сабзавотни қайта ишлашга иктисослаштирилган “Тўрақўрғон ширинлик агро” қўшма корхонасида замин неъматларидан тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилмоқда.

Ўтган йили корхонада 2 миллион 520 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари янада оширилиб, 80 та иш ўрни яратилди. Натижада 7 минг тонна маҳсулот қайта ишланган, экспорт қилинди. Шунинг ҳисобига “Тўрақўрғон ширинлик агро” валюта жамғармасига 6,5 миллион АҚШ долларига тенг маблағ келиб тушди.

Айни пайтда корхона жамоаси 200 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ, булғор қалампирги етиштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор талабларига мос

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманидаги “Азия-пласт — Олтинсой” корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 24 минг АҚШ доллари сарфланди.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона жорий йилнинг биринчи чорагини 40 миллион сўмлик соф фойда билан якунлади.

Таъкидлаш керакки, ҳозир 10 дан зиёд иш ўринлари яратилган “Азияпласт — Олтинсой”да 15 турли харидоргир полиэтилен қувурлар тайёрланмоқда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Йилига 5 миллион дона пишиқ гишт

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қўнғирот туманида тадбиркор Нурбек Қаржаубаев томонидан йилига 5 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга “Қўнғирот гишт” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Бунинг учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада 20 га яқин иш ўрни яратилган корхонада қисқа фурсатда 161 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Эътиборлиси, ўтган йили Оролбўйи минтақасида ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш эвазига 2 минг киши иш билан таъминланди.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Икки авлод учрашуви

Халқ таълими вазирлиги 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир қатор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказмоқда.

Куни кеча шундай учрашувлардан бири пойтaхтимиздаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ва Хотира майдонида бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бўлган ўқувчилар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари дастлаб пойтaхтимизнинг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадамжолари, музейларини томоша қилдилар. Сўнгра “Авлодлар учрашуви”, “Эъзоз”, “Эътиром” деб номланган тадбирларда иштирок эттиди.

— Ёшларимизни она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг алоҳида ўрни бор, — дейди Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактаби ўқитувчиси С. Қурбонова. — Ишончимиз комилки, фахрийларимиз иштирокидаги тадбирлар, уларнинг ҳаёт йўллари ёшлар учун чин маънодаги ибрат мактаби бўлиб қолмаст қилади.

Б. ШАЙБАЛИЕВ.

Шавкат ОРТИҚОВ.

ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРЕЗИДЕНТЛАРИ ДИКҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
ВА «REPUBLIKA MULK-AUKSIONI» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

аукцион савдосига таклиф этади.

2011 йил 7 июнь соат 15.00 дан бошлаб бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидеги аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли куйидаги мулклар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчасида жойлашган «AZIA AYS» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.
Бошлангич нархи — 2 012 699 205,73 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 1 234 050,42 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1630,97 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — музқаймоқ ишлаб чиқариш. Умумий ер майдони — 3298 кв.м. Бино ва иншоотлар майдони — 2023 кв.м. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув, оқова мавжуд.
2. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчасида жойлашган «AZIA BISKVIT» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 5 533 914 000 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 3 393 020,10 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1630,97 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — печенье (турли ассортиментда), чипс ишлаб чиқариш. Умумий ер майдони — 27 600 кв.м. Бино ва иншоотлар майдони — 13373 кв.м. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув, оқова мавжуд.

3. Навоий вилояти, Нурота шаҳри, Карьерная кўчаси, 1-уйда жойлашган «NUROTAMARBLE» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 923 133 090,14 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 563 955,48 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1636,89 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — тошларни қайта ишлаш ва улардан тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш (мармар плитаси). Иккита ишлаб чиқариш ҳудуди мавжуд. Умумий ер майдони — 33,31 гектар, ишлаб чиқариш эгаллаган майдон — 9 гектар.

4. Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 6-уйда жойлашган «VODIY MUZQAYMOG'» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 1 098 348 987,70 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 677 909,51 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1620,20 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — музқаймоқ ишлаб чиқариш. Умумий ер майдони — 14328,61 кв.м.
5. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Н. Нугаев кўчаси, 11-уйда жойлашган «KESHMARBLE» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 2 502 959 000 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 1 544 845,70 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1620,20 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (мармар плитаси, майдаланган мармар уволари (мраморная крошка) ва кум). «KESHMARBLE» МЧЖ таркибига қуйидаги қарьер ва ишлаб чиқариш участкалари кирди: «Биркунлик» қарьеры майдони — 19 гектар, «Искана» қарьеры майдони — 34 гектар, «Томчи-ота» қарьеры майдони — 19,4 гектар, «Совуқ-булоқ» қарьеры майдони — 25,2 гектар, «Макрид» қарьеры майдони — 59 гектар, «Оқ-сой» қарьеры майдони — 6 гектар, «Гисрак» қарьеры майдони — 4,06 гектар, автотранспорт цехи, ишлаб чиқариш базаси ва ишлаб чиқариш цехи умумий майдони — 4,8 гектар, ишлаб чиқариш майдонлари — 6632 кв.м. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув, газ мавжуд.

6. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Мраморная кўчаси, 1-уйда жойлашган «GAZALKENT STONE» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 5 752 288 617,48 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 3 435 884,20 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1674,18 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — тошларни қайта ишлаш ва улардан тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш (гранит плитаси ва бошқа махсулотлар). Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати — 25000 кв.м. гранит плита. Умумий ер майдони — 17,055 гектар. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув (скважина) мавжуд.

7. Наманган шаҳри, Курувчилар кўчаси, 50-уйда жойлашган «NAMANGAN QOG' OZI» МЧЖ низоом жамғармасидаги 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улуши.

Бошлангич нархи — 5 455 796 102,85 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 3 326 704,94 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1640 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Объектнинг қисқача тавсифи: асосий фаолият тури — ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш. Заводнинг қуввати — йилга 5477 тонна ёзув қоғози ишлаб чиқариш. Умумий ер майдони — 1,65 гектар. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув, оқова, газ мавжуд.

8. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Янги Юнусобод кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли бино ва иншоотлар (собиқ «Узелмонтаж» ҚК ишлаб чиқариш базаси).

Бошлангич нархи — 2 084 328 524 сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 1 272 080 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари = 1638,52 сўм), ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Умумий ер майдони — 15057 кв.м., бино ва иншоотлар — 4112 кв.м. Мухандислик коммуникацияларидан электр таъминоти, сув, оқова, газ мавжуд.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси биносида ўтказилади. Талабгорлардан аризалар хар кўни (дам олиш кўнларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қўйида қўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кўн олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топшириши керак: аукционда иштирок этишга икки нусхада буюртманома, закатлат пули тўғрисида келишув, закатлат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати, юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, нусхаси, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома), хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси якунлари бўйича баённома расмийлаштирилган кўндан бошлаб 20 кўн муддат ичида тузилади. Аукцион савдоси қўлиб томонидан объектни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига объектни сотиб олиш баҳосининг 0,5 фоизи миқдорда комиссиясига йиғим тўланади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закатлат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Respublika Mulk-AukSIONI» ДКнинг ХОАТБ «InfibANK» МФО: 01041, СТИР: 206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ушбу кўнда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 14, 21 июнь кўнлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, 15-қават, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси биноси. Телефон: (8-371) 150-35-55 Факс: (8-371) 150-34-46. Email: info@mulk.uz

6258/471

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Навоий вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеги ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қизилтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2008 йил 14 февралдаги А 40-76778/07-47-57652-сонли, 2008 йил 12 сентябрдаги 21-08-06/3463-сонли, 2008 йил 19 декабрдаги 21-0805/6566-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, «Мақсуд» ИЧТКга қарашли, умумий ер майдони 5600 кв.м., қурилиш майдони 998,74 кв.м. бўлган, Қизилтепа тумани, «Бўстон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Аҳмадобод» тегиримон биноси ва Украинада ишлаб чиқарилган ем ва ун ишлаб чиқариш цехи қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 2 142 058 185 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 6 июнь кўни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кўн қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

6258/920



ACCENT

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI

Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

229/1565


Меҳнат фахрийларини, азиз отахонлару муҳтарам онажонларимизни

9 май — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КЎНИ

билан самимий қўтлаймиз!

Она юртга садоқатингиз ва фидойилигингиз, фарзандларингизга чексиз меҳр-муҳаббатингиз қаршисида бош эгамиз.

Барчанингизга соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик ва осоийишталиқ тилаймиз!



6258/449

Шўртан газ-кимё мажмуаси жамоаси

«POYTAHT QURILISH SAVDO»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ



барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ҳамда уй-жой қурувчиларга турли хилдаги ва ҳажмдаги

рангли пластиклар, металл профиллар

ишлаб чиқаришини маълум қилади.

Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 27-уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 279-50-16.

5848/411

Қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

денгиз тўлқини рангли жемперлар, денгиз тўлқини рангли иссиқ тутадиган трикотаж ичкийимлар, денгиз тўлқини рангли қишки шапка-фуражклар.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 22 иш кўни давомида қабул қилинади. Маълумот олиш учун хар кўни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

6268/559

Қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади: иссиқ тутадиган қўнжи калта аёллар этиклари, пахтали ватинлар.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш кўни давомида қабул қилинади. Маълумот олиш учун хар кўни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

6278/559

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

62

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Тармоқ қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қўлимурод Собировга акиси **Хаджибой СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгўштсўтсанот» уюшмаси жамоаси «Қорақалпоқгўштсўтсанот» бирлашмаси раиси Қочқарбай Пирназаровга падаи бузруквори

ПИРНАЗАР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия кафедрасининг катта ўқитувчиси Зиёдулла Тўхтамуродовга волидан муҳтарамаси **МАВЖУДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Азамат САФАРОВ.

Навоий томонларда

Навоий шаҳридаги «Кармана сут» ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди.

Корхона фаолияти кенгайди

Бунинг учун тадбиркор Жамолддин Мухаммадов ўз маблаг ҳисобидан 30 миллион сўм сарфлаб, қўнига 500 килограмм гўштни қайта ишлаш қувватига эга янги цехни ишга туширди. Эндиликда бу ерда 9 хил қолбаса махсулотлари тайёрланиб, савдо нуқталарига етказиб берилмоқда.

Умуман, жорий йилнинг дастлабки икки ойида «Кармана сут»нинг 15 кишилик жамоаси томонидан ишлаб чиқарилган 130 миллион сўмлик сут ва гўшт махсулотлари ўз харидорларини топди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дастурхон файзи

Қизилтепа туманидаги боғдорчиликка иختисослаштирилган «Маҳфуза» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Гадов ҳайрли ишга қўл урди.

У ўз жамғармаси ва банкдан олинган 196 миллион сўм кредитга Германияда ишлаб чиқарилган технология линия сотиб олди. 180 тонна мевани 6 ой муддатда ўз ҳолатида сақлаш имконини берувчи ушбу линия нафақат фермернинг 30 гектарлик боғидаги, балки ҳамқишлоқлари етиштирган махсулотни ҳам сақлаш имконини беради. Бу қишда ҳам ёздаги каби сархил мевалар қизилтепаликлар дастурхонини безайди, деганидир.

Инсоннинг тўрт мучаси соғ бўлсаю қалбида ҳаловат бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Шу маънода, биз бугун ҳар қанча фахру гурур огуши-да, шукрона айтиб яшагга ҳақлимиз. Зеро, Ватанимиз тинч, халқимиз оқибатли, еримиз унумдор, сувимиз зилол. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги

Келинг, бугун ана шу фахру ифтихорнинг моҳиятига тўхталайлик.

Халқимиз болажон. Ўзидан кўра фарзандининг бахту камолини кўриш орзусида яшаш — унга хос хислат. Шу боис ўзимиз эришмаган омаду бахтни уларнинг тимсолида кўриш ниятида эртаимиз ворисларини нуфузли жойларда ўқитишга ҳаракат қиламиз. Албатта, бундай сазй-ҳаракат замирида ота-оналик масъулияти мужассам. Аммо унутмайлик, ният ўз-ўзидан қилинмайди, ҳар ким шароити ва имкониятидан келиб чиқиб иш кўради. Айна мана шу жиҳат таҳлил қилинганда, биз, дунёнинг кўпгина халқлари ҳавас қилса арзийдиган шароитда яшяпмиз. Баъзи давлатларда одамлар боласини ўқитиш у ёқда турсин, уни тузукроқ қийинтириш, овқатлантириш ҳақида қаттиқ ташвишга тушаётган бўлса, бизда, аввало, умумий таълим бепул эканлигига эътибор қаратайлик. Боланинг онгу тафаккури шаклланиб, ҳаёт ҳақидаги тушунчаси энди-энди куртак отаётган кезде уларни ўқитувчи ва мураббийлар қўлига ишониб топшираемиз. Устозлар эса ёш навни-ҳолга жиддий муносабатда бўлиб, уларнинг савод чиқаришига интиладилар. Шунчаки эмас, жону диллари билан шоғирдининг билимдон бўлиб камолга етмоғини истадилар. Бу, аввало, юртимизда таълим масаласи тубдан ислох қилинаётганлигининг махсули бўлса, шу билан бирга, истиқлол туфайли юртимизда ўқитувчи, муаллимларнинг қадри юксалиб, касби эъзозланаётганлигининг шарофатидандир. Шунинг учун ҳам бугун ота-оналар мустабид тузум даврига хос бир иллат “Болам ёзув-чизувни, қўшув-айирувни ўзлаштирса бўлди-да, ўқиб шаҳар олиб берамиди?” деган ҳунук тушунчадан халос бўлишди, ўқитувчи ҳамда мураббийларимиз эса “Мактабда куним ўтса бўлди, амал-

қарорида қайд этилганидек, тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

АЖДОДЛАРИ АЛЛОМА, АВЛОДЛАРИ БАРКАМОЛ

лаб пенсияга етиб олай”, демайдиган бўлишди. Аксинча, бугунги шароит ўқитувчини ўз устиди ишлайдиган даражага олиб чиққан бўлса, ота-оналар энди ойда-йилда бир ўтказиладиган, ҳисобот учун қақир-қандиридан мажлисларга эмас, фарзандининг юриши-туриши, ўқитиш ўзлаштиришидан бохабар бўлиш учун ўқув масканларига тез-тез бориб туриши одат қилмоқдалар.

Бугун юртимиздан кўплаб истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда. Улар нафақат республика, шунингдек, халқаро миқёсдаги кўплаб фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли санъат анжуманларида қатнашиб, бор қобилиятларини кўз-кўз этмоқдалар. Биз бугун эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган истиқлол фарзандларини номма-ном санаб ўтадиган бўлсак, қалингина китобнинг саҳифалари ҳам камлик қилар. Гап шундаки, бу муваффақиятларнинг тамал тоши илк савод чиқариладиган даргоҳ — мактабларда қўйилган. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, юртимизда минглаб мухташам мактаблар бунёд этилди ва улар энг замонавий ўқув асбоблари билан жиҳозланди. Ана шу мактаб-

ларда юзлаб истеъдод эгалари камол топаётганлиги эса юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳияти — ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлигининг бекиёс самарасидир.

Энди айтинг, бу кимга ҒУРУР бағишламайди?!

Ўзбекистон — алломалар юрти. Бу тан олинган ҳақиқат. Бироқ ана шу ҳақиқатнинг юзи қачон очилди? Неча-неча асрлар ўтса-да, дунё узра доврғи сўнмаган, аммо истиқлолдан илғари ўзимизга ҳам қимлиги атайин айтилмаган улўф зотларнинг номлари қачон шарафланди?

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ!” Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари истиқлол йилларида тарихий адолатни тиклаш, табарруқ номлари унутилаёзган юзлаб олим-фузалоларни эъзозлаш жараёнида ҳаётимизнинг мазмунига айланди. Юртимизда туғилиб, вояга етган, илму маърифатда бетақдор истеъдод соҳиби бўлган азиз-авлиёларнинг хоки поклари эътиборда бўлди, уларга макбаралар тикланди. Бугун эзгу ташаббус билан қад ростлаган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуқолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Фарғоний, Қафқол Шоший каби кўплаб зоти шарифларнинг мажмуалари юртимизга ташриф буюрувчи минглаб сайёҳларни ҳам ҳайратлантирмоқда, бу улўф алломаларнинг илмий-маърифий меросига бўлган қизиқишни орттирмоқда.

— Ер юзининг қай бурчига бор-майлик, биз, ўзбекистонликларга Имом ал-Бухорийнинг ватандошлари, набиралари, деб алоҳида ҳурмат-эътибор билдириб, камоли эҳтиром билан қарайдилар, гапнинг индаллоси, бизларга ҳавас қиладилар, — дейди Имом Бухорий халқа-

ро маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Ўбайдулла Уватов. — Жонажон Ўзбекистони-мизга ташриф буюрган олий даражадаги хорижий меҳмонлар ҳам тезроқ Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи томон — Имом ал-Бухорийнинг марқадлари зийратига ошиқиларига ҳар доим гувоҳ бўла-

ахборот асри, дея баҳолашмоқда. Тўғри, шу билан бирга, бу асрда айрим жойларда оқибат, меҳр, сажоват, қадр ва яна кўплаб инсоний фазилатларга путур етмоқда. Айрим мамлакатлар мисолида кўриб турибмизки, манфаат, бойлик илн-жида катта моҳаролар келиб чиқ-

миз. Ҳеч эсимдан чикмайди, чет эллик меҳмонлардан бири шундай деганди: “Агар одамлардан уялмага-нимда, Ўзбекистони оёқланг кезиб чиқардим. Чунки бу юртининг ҳар бир гўшасида азиз-авлиёлар хоки пойи ётибди”. Яратганга беадад шукроналар бўлсинки, истиқлол шарофати, Президентимиз жасорати билан кўплаб алломалар қатори Имом Бухорий ҳам ўз эли ва юрти бағрига қайтди...

Бугун илмий фаолиятини азиз-авлиёларимиз ҳаёти ва маънавий меросини ўрганишга бағишлаган олимнинг мазкур фикрлари замирида она-Ватан билан чексиз фахрланиш туйғуси мужас-

сам. Умуман олганда, Мағрибу Машриққа донги кетган кўплаб алломаларнинг юртимизда вояга етганидан, бугун эса уларнинг хотираси сарбанд эканлигидан ИФТИХОР туймаи бўлади-ми?!

Ёши улўғлар дуога қўл очганларида: “Тинч-

лик-хотиржамликдан айирмасин” деган ниятни, албатта, билдирадилар. Бунда ҳикмат кўп. Зеро, фарзандлар камоли, ота-оналар ҳузур-ҳаловати учун хотиржамлик зарур. Бироқ таассуф шундаки, у ҳамма жойда ҳам бирдек барқарор эмас. XXI аср — техника тараққиёти ва

Осуда ҳаёт кечириш — юксак орзу. Аммо тинчликни қадрлаш, бошқа халқлар ҳаловатини ўйлаш орқали ўз мамлакатининг барқарор ҳаётини асраб-авайлашни ҳар ким ҳам ўйлашвермайди. Шу маънода, Юртбошимизнинг ҳар доим, айниқса, халқаро учрашувлар, мажлислардаги чиқишларининг мазмун-моҳияти, оламшумул аҳамияти бекиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Зеро, ушбу нутқда давлатимиз раҳбари ҳамманинг кўз ўнгидида содир бўлаётган, аммо неғадир жиддий эътибор қаратилмаётган фожиаларни бартараф этиш ҳусусида тўхталдилар. Жаҳоннинг турли нуқталарида давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқларни теран таҳлил этидилар.

Энди мана бу жумлаларга эътибор беринг: **“Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади.**



2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифалардаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади...”

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу рақамлар тинч ва осуда юртимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Бу рақамлар ортда минглаб, миллионлаб юртдошларимизнинг меҳнати, тақдири мужассам.

Ана шу ҳақиқатни ўйлаганда, ШУКРОНА калимаси, ғурур туйғуси дилдан ўтмоғи, шубҳасиз...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

САЛОМАТЛИК — БЕКИЁС БОЙЛИК

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда хайрли тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, шу пайтга қадар Жанубий Кореянинг “JCI Korea” ташкилоти ёрдамида туғма юрак хасталиги билан оғриган 33 нафар бемор бола мазкур мамлакатнинг нуфузли клиникаларида даволаниб қайтди.

Ҳамкорлик

Яқинда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жамғарма ва Жанубий Кореянинг “JCI Korea” ташкилоти ҳамкорликда “Корея Республикасининг нуфузли клиникаларида туғма юрак нуқсонли болаларни жарроҳлик амалиётлари орқали соғломлаштириш тўғрисида”ги акциясини бошлади.

Мазкур тadbир доирасида республикамизнинг турли вилоятларидан келган 50 нафар юрак хасталигига чалинган бола корейлик мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар орасидан шошлинч даволанишга муҳтожлари аниқланиб, Жанубий Кореянинг нуфузли шифохоналарига юборилиши режалаштирилган.

Наргиза РАИМОВА.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ меҳнат жамоаси

бугун Ўзбекистон халқини

Хотира ва қадрлаш кўни

билан самимий қутлайди!

Бугун биз қадрли отахон ва меҳри дарё онахонларимизнинг матонат ҳамда жасоратлари олдида чуқур ҳурмат билан бош эгамиз. Юртимизда инсон номини улўғлувчи эзгу қадриятлар тантана қилаверсин!

Ҳамиша юртимиз тинч бўлиб, мустақил Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

9 май

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўялолар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5